

Анвармирзо ҚУДРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
мустақил тадқиқотчиси


ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЛОНТЁРЛИК ҲАРАКАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсангиз волонтерлик ҳаракати ҳам нақадар узок ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўласиз. Бизга маълумки инсоният тарихи ранг-барангдир. Яъни инсоният ўз бошидан кўплаб ижтимоий инқилоблар, қуроли моҳаролар ва урушларни ўтказганлигига қарамай, улар кундалик ҳаётида ўзаро бир-бирларига беғараз ёрдам кўрсатганлиги борасидаги кўплаб фактларга бой саҳифаларни учратиш мумкин.

Бир мамлакат ичидаги ижтимоий қатлам вакиллари ўртасида ҳам, турли ирқ, миллат ва мамлакатларнинг аҳолиси ўртасида яхши

қўшничилик муносабатларини ўрнатишга қаратилган тинчликпарвар ташкилотлар дунё мамлакатлар ижтимоий ҳаётида эзгу ғояларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнаган.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, замонавий сўз маъносида кўнгиллилик билан боғлиқ биринчи йирик лойиҳа 1920 йилда Францияда Страсбург яқинида амалга оширилган. Лойиҳанинг иштирокчилари, француз ва немис ёшлари, Биринчи Жаҳон уруши пайтида вайрон бўлган фермаларни қайта тиклашда иштирок этганлар. Волонтерлар (кўнгиллилар) ишлаганликлари учун ҳеч қандай маош



олишмаган, аммо уларга турар жой, озиқ-овкат ва тиббий сугўрта бепул берилган. Кўнгилли ишларни ташкил этишнинг ушбу принципи бугунги кунгача сақланиб қолган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарбий ва Шарқий европа аҳолиси ўртасида яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатган кўнгиллилар дастурлари пайдо бўла бошлади. Орадан бир неча ўн йиллар ўтгач, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳалар кенг тарқалган. Дунё бўйлаб 14500 кўнгиллиларни бирлаштирган энг таниқли экологик ташкилот Greenpeace бўлиб, унинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик таълим ва экологик тоза турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Волонтёрларлик фаолияти АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Канада каби ғарб мамлакатларида кенг миқёсда ривожланган.

Тадқиқотчи Симсанинг таърифида кўра, “фуқаролар фаоллиги” (Burgerliches Engagement), фуқаролар амалга ошириши зарур бўлган мажбуриятлар, яъни уюшган ёки индивидуал ҳолда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, шу билан бирга жамият ҳаётини яхши томонга ўзагртишишга эришиш тушунилади[1:15]. Дж. Хопкинс институти олимлари бир неча йиллик тадқиқотларидан сўнг “кўнгиллилар фаолияти - бу бўш вақтларда амалга ошириладиган, моддий манфаат кўзланмайдиган комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси”[2:224] - деган хулосага келишган. Берилган таърифларга кўра, фуқаролар фаоллиги куйидан бошлаб юқорига фуқароларнинг ташаббуслари ва иштироки асосида амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий фаолият тури эканлиги маълум бўлади

ва бу ҳол фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми сифатидан тан олинади.

Волонтёрлик ихтиёрий ва шахсий мажбурият бўлиб, волонтёр иш хажми, қаерда ишлаши, қанча муддат ишлашини ўзи белгилайди. Волонтиёрнинг қанча вақт мобайнида ишлаши ва иш хажмининг оз ёки кўплиги, кўп ҳолларда у волонтёрнинг қайси ташкилотда ишлаётгани билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро меъёрларга мувофиқ волонтёрнинг ҳафта давомидаги иш хажми 20 соатдан ошмаслиги лозим. Чунки у ҳафтасига 20 соатдан ортиқ волонтёрлик билан шуғулланадиган бўлса энг аввало унинг асосий ишига қолаверса жисмоний ҳолати ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис волонтёрлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар юридик талаблар асосида қаттиқ назорат қилинади. Масалан, кўнгиллилар журилари томонидан назорат қилиниши мумкин. Кўнгиллилар хизмати - ихтиёрий равишда амалга оширилади ва иштирокчининг маъсулияти ҳам ихтиёрийдир.

Бизга маълумки, 5 декабрь – Халқаро волонтёрлар куни (International Volunteer Day) ҳисобланади.

Ушбу байрам БМТ Бош ассамблеяси ташаббуси билан 1985 йилдан буён нишонланиб келмоқда. Волонтёрлар – халқ бойлигидир, улар шунчаки томошабинлар эмас, балки халқ учун беминнат хизмат қилувчилардир. Улар бўш вақтларини аямасдан жамоат ишларида, турли тадбирларда беминнат, беғараз қўмак беради.

Волонтёрлар ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлсада ёрдамга шошадилар. Ўз хохишига

кўра ва ўз ҳисобидан жамоат жойларини тартибга келтиради, дарахтлар экади, атрофни чиқиндилардан тозалайди, боғлар барпо этади, кексалар ва ногиронларга ёрдам беради, болалар учун ўз ҳисобидан саёҳатлар уюштиради.

Бизга маълумки, волонтерлик фаолияти – жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб беул асосда амалга ошириладиган, эркин хоҳиш-иродага кўра бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият ҳисобланади. Бу фаолиятнинг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман, жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, жамиятда фуқаролик нуқтаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.


Волонтерлик асли французча *volontaire* сўзидан олинган бўлиб, “кўнгилли”, “ўз хоҳишига кўра иш қилувчи” маъноларини англатади. Волонтерлик ҳаракати дунёда кенг тарқалган.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги пайтларда волонтерлик қайта фаоллашмоқда, бошпанасиз қолган ҳайвонларни ҳимоя қилувчилар сафи ортмоқда, айниқса, атроф муҳит ва она табиатни асраш, дарахтлар кесилишининг олдини олиш, ён-атрофни ҳар хил чиқиндилардан тозалаш масалаларида кўнгиллилариимизнинг ҳаркатларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бугунги кунда волонтерликка энг тез ривожланаётган ва оммалашаётган ижтимоий ҳаракат десак, ҳато қилмаган бўламиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 6 ноябрда ўтказилган навбатдаги йиғилишида “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бир йўла уч ўқишда қабул қилинди. Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган ва 2019 йил 3 декабрдан кучга кирган. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида парламент қўйи палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган.

Қонун бир йўла уч ўқишда қабул қилингани бежиз эмас. Зеро, қонун лойиҳаси устида қарийб ярим йил иш олиб борилди. Парламент қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталари йиғилишларида ойлаб муҳокамадан ўтказилди. Депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, такомиллаштирилгач, ялпи мажлисга олиб чиқилган.

Қонун бир қатор муҳим жиҳатларни қамраб олган. Хусусан, мазкур ҳужжат кўнгиллилик фаолиятининг шакл ва усулларини жорий қилиш (кўнгиллилар ташкилотларини тузиш, кўнгиллилик дастурларини шакллантириш орқали)ни, кўнгиллилик фаолиятини амалга оширувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни назарда тутди. Шунингдек, унда Адлия вазирлигининг кўнгиллилар фаолиятини рўйхатга олиш реестрини жорий қилиш ва уни мунтазам янгилаб бориши белгиланмоқда. Бундан ташқари, «кўнгиллилик шартномаси»ни амалиётга жорий қилиш кўзда тутилган.



Ўзбекистонда кейинги йилларда фуқаролик жамияти, унинг институтлари фаол ривожланипти. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги ўсиб бормоқда. Одамларнинг жамиятда амалга оширилаётган демократик ислохотларга дахлдорлик ҳисси кучайиб, фуқаролик позицияси шаклланимоқда. Шулар қаторида волонтерлик ҳам фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ва унинг ривожланганлик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Волонтерлар — юрт хизматига бел боғлаган ҳақиқий ватанпарварлардир. Мамлакатимизда хорижий давлатлардаги каби волонтерлик турли миллий ва халқаро тадбирларни ўтказишда кенг учрайди. Масалан, хайрия тадбирлари ва акциялар ўтказилади. Спорт мусобақалари, йирик ижтимоий-сиёсий оммавий тадбирлар, хусусан, сайловларни ташкил қилишда ҳам кўнгиллиларнинг фаол иштироки кузатилади.

Кўнгиллилик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини янада чуқур қарор топтиришга, бу фаолият билан шуғулланаётган барча фуқарога тенг ҳуқуқий шароит яратишга хизмат қилади.


Ўзбекистонда қадимдан волонтерлик (кўнгиллилик) ҳаракати мавжуд бўлган. Лекин шу вақтга қадар бу масала умуман ҳуқуқий тартибга солинмаган эди. Бу эса, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишнинг энг асосий сабаби бўлди. Шу туфайли, қонундан кўзланган мақсад ҳам юртимизда кўнгиллилар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакатда

фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, волонтерлик фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйишни таъминлаш ҳамда ривожлантиришдан иборат этиб белгиланган.

Билишимизча, бугунги кунда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакатида йирик профессионал волонтерлик ташкилотлари мавжуд. Уларга давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилаётгани боис, кўнгиллилар сектори мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий бўлагига айланиб бормоқда. Кўнгиллилар ўз фаолияти давомида қатор муҳим ижтимоий хизматларни кўрсатади, улар муайян товарларни ишлаб чиқаради, ўз манбалари ҳисобидан жамиятнинг эҳтиёжманд қатламларини қаноатлантиради, давлат органларининг айрим вазифаларини зиммасига олади ва бу бюджет маблағларини иқтисод қилишга имкон беради. Кўнгиллилик, айниқса, ёшларни жамият ҳаётига фаол киришиш жараёнларига кўмаклашишга, зарур иш тажрибасини тўплашга, меҳнат бозори талаблари бўйича малака ва кўникма ҳосил қилишга, ижтимоий муносабатларда уларнинг фаоллигини оширишга туртки беради[3: 2].

Мамлакатимизда кўнгиллилик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт бобида катта салоҳиятга эга соҳа ва тизим сифатида тараққий этиб бормоқда. Боиси, кўнгиллилик фаолияти халқимизнинг онгига ва менталитетига чуқур сингиб кетган кўп асрлик қадриятларга эга. Хусусан, “ҳашар”, “жамоавий кўнгиллилик” кабилар волонтерликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири ҳисобланади.

Ўтган асрда ҳашар ва ҳашарчилар сўзи кенг қўлланилган. Жамоатчилик асосида амалга оширилган ишларни эса ҳашар деб



атаганмиз. Жамоатчилик уюштирган ҳашарнинг иштирокчилари бизнинг тил билан айтганда ҳашарчилар эканлигини тадбирда гапириб ўтдим. Ҳашарчилар эса бугунги волонтерлар. Бизда волонтерлар бўлганми? Кўриб турибсиз албатта, бўлган. Жадидлар маблағ йиғиб иктидорли болаларни хорижда ўқитишган. Қариндошлар ҳашар йўли билан янги оилага уй куриб беришган. Ҳашар йўли билан кўприклар, йўллар, қудуқлар, мактаблар, мадрасалар бунёд этилган. Кейинги йилларда ҳашарчилар долзарб даврда ҳосилни нобуд қилмай ўз вақтида териб олиш учун пахта йиғим- теримида қатнашдилар. Ҳукуматимиз ташаббуси билан фермерлар уларни рағбатлантириб, маблағ ажратдилар.

Айни кунда мамлакатимизда кенг тарқалган ва тегишли давлат органларидан расмий равишда ўтиб фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларида ишлаётган кишилар - кўнгиллилардир.

Шунингдек, айрим социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, қарийб 90 фоиз нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятини амалга оширишда кўнгиллилардан унумли фойдаланади. Уларнинг энг фаоллари – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика маънавият ва маърифат маркази қабилар ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти органлари ҳам йирик халқаро конференциялар, семинарлар, спорт мусобақалари ва бошқа оммавий ижтимоий-сиёсий тадбирларга кўнгиллиларни таржимон, кузатувчи сифатида фаол жалб қилади.

Кўнгиллилар фаолияти қатор ижтимоий тармоқлар орқали ҳам фаоллашиб бормоқда. Масалан, “Facebook” ижтимоий тармоғида “волонтеры.uz” гуруҳи бўлиб, унинг аъзолари


сони 12 мингдан ортиқни ташкил қилади. Гуруҳ аъзолари хайрия тадбирлари, акциялари ҳамда ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро маълумотлар алмашади. Улар йўқолган инсонларни излашга, ҳудудларни чиқиндилардан тозалашга, эгасиз хайвонларни ҳимоя қилиш, эҳтиёжмандларга дори-дармон сотиб олишга ва қиммат тиббий операцияларни бажариш учун маблағ йиғишга ҳамда бошқа беғараз ёрдам тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиб келмоқда[4:3].

2017 йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Ўзбекистон ёшларининг бутунжаҳон ассоциациясини тузди. Бу ассоциациянинг асосий фаолияти кўнгиллилик билан боғлиқдир.

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг кўнгиллилар фаолияти ривожланган давлатлардан фарқли томони ушбу фаолиятни амалга оширишни тартибга солувчи қонуннинг йўқлигидир. Мазкур ижтимоий фаолият тури, фақатгина “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунда қисман ёритилган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг миллий базасидаги ҳужжатлар сон

46 мингдан ортиқ бўлиб, 12 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда “волонтер” тушунчаси мавжуд[5:4].

Шу тариқа, мамлакатимизда шундай ҳолат юзага келдики, қонуний асосга эга бўлмасдан туриб кўнгиллилар фаолияти ривожланган. Бундай кўринишдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар турли тоифадаги шахсларга, шунингдек, юртимиз ёшларини мазкур йўналишда давлат сиёсати ва миллий менталитетимизга мос келмайдиган кадрлар асосида “бирлаштириш”га фаол ҳаракат қилувчи хорижликларга “кенг майдон” яратиб беради.



Мазкур конун лойиҳасининг қабул қилиниши кўнгиллилик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни қонуний тартибга солади, кўнгиллилик фаолияти тўғрисида ягона қонуний тушунчалар мажмуини шакллантиради, кўнгиллилик фаолиятини янада фаоллаштиришни рағбатлантиради.

Бугунги кунда волонтерлик фаолияти куйидаги жиҳатларни қамраб олади:

Биринчидан, бугунги кунда дунёда волонтерлик ва бу фаолият билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Ҳалқаро инсонпарварлик ташкилотларининг «Charites Aid Foundation» маълумотларига қараганда биргина 2014 йилда дунёнинг 145 та мамлакатада 18 ёшдан катта бўлган 1 миллиарддан ортиқ инсонлар волонтерлик билан нотижорат секторида (21 %) шуғилланган, 2,2 миллиард киши (48,9 %) нотаниш одамларга бегараз ёрдам кўрсатган. Социологик сўровномалар шуни кўрсатмоқдаки жаҳонда бундай фаолият билан шуғулланувчилар ва унга ҳайрихоҳ бўлаётганлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2014 йилда 23 миллион (19%) Россияликлар йил давомида камида бир маротаба волонтерлик (кўнгиллилик) асосда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятида фаолият кўрсатган бўлса, ҳар учтадан битта Россиялик (32%) мухтожларга инсонпарвар ёрдамларини кўрсатишган[6:13].

Иккинчидан, волонтерлик фаолияти барча назарий ва амалий жиҳатлари билан ижобий ҳаркат ҳисобланиб, у мавжуд аниқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммога йўналтирилган бўлади ҳамда жамиятнинг айрим соҳаларини ривожлантиришда ушбу ҳаркатга эҳтиёж

борлиги сезилади ва бугунги кунда волонтерлик ҳаракати фаолияти йўналишлари ва турлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда жамиятда волонтерлар фаолиятига доимий эҳтиёж мавжудлигиги кўзга ташланмоқда. Айниқса, глобаллашув ва бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб ҳаётимизга кескин кириб келаётган бугунги кунда (экологик, иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий каби) муаммоларга ижобий ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, волонтерлик фаолияти фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамоҳангликни ҳам англатади ҳамда унинг ажралмас атрибути ҳам саналади. Айнан ўша омил унинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Агар фуқаролик жамияти ривож топса волонтерлик ҳаракати ҳам ривожланиши учун кенг имкониятлар очилиб боради. Агар у инқирозга юз тутса волонтерликка ҳам катта зарар етади. Шунинг учун фуқаролик жамияти ривожини билан волонтерлик ҳаркати ривожини ўзаро бир бирига чамбарчас боғлиқ дейиш мумкин. Бу нарса дунёда фуқаролик жамият қуриш ва уни ривожлантириш йўлидан бораётган далаатларнинг саъи ҳаркатларига боғлиқ.

Тўртинчидан, волонтерлик ҳаркати турли хил давлатлар, уларнинг ҳудудлари ёки маълум бир минтақалар билан чегараланиб қолмайди. У бугунги кунда маҳаллий, миллий ва минтақавий чегаралардан чиқиб глобал яъни бутунжаҳон аҳамиятига молик интернационал ҳаркатерга эга бўлган ҳаркатга айланиб бормоқда. Шунингдек, жаҳонда маданиятлараро алоқаларни таъминлашда ва ўзаро уйғунликнинг шаклланишида ўзига хос ролни ўйнамоқда.

Волонтёрлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари этиб эса қуйидагилар белгиланди:

Волонтёрлик фаолиятининг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, жамиятда фуқаролик нуктаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Волонтёрлик фаолиятининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларни аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган турли хил жамоат фаолиятига жалб этиш механизмларини шакллантириш;

- ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга ёрдам кўрсатиш;

- волонтёрлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

- аҳолида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш;

- фуқаролар томонидан ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун ўзини ўзи намоён этиш ва ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаларини олиш[7:1].

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- яқка тартибдаги волонтёрлик фаолияти;

- волонтёрлар гуруҳи таркибидаги волонтёрлик фаолияти;

- волонтёрлик ташкилоти орқали волонтёрлик фаолияти.

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- кам таъминланганларни, ишсизларни, кўп болалиларни, бошпанасизларни, қаровсиз қолганларни, шунингдек ижтимоий реабилитацияга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида волонтёрлик ёрдами кўрсатиш;

- беморларни, ногиронлиги бўлган шахсларни, ёлғизларни, қарияларни ҳамда ўзининг жисмоний, моддий ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли қўллаб-қувватлашга ва ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни парваришлаш;


- табиий ёки техноген тусдаги фавқулодда вазият оқибатида, алоҳида режим, фавқулодда ҳолат жорий этилганда, ижтимоий можаролар, бахтсиз ҳодисалар натижасида жабрланган фуқароларга, шунингдек жиноятлардан жабрланганларга, қочкинларга ёрдам кўрсатиш;

- ўзининг жисмоний ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши чекланган шахсларга ёрдам кўрсатиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий меросни, тарихий-маданий муҳитни, дафн этиш жойларини сақлаб қолиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;

- оммавий спорт, маданий тадбирларни ва бошқа жамоат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ миллий ҳамда халқаро аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишга қўмаклашиш;

- алоҳида давр ва фавқулодда ҳолат ҳуқуқий режимларининг амал қилиши вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, бошқа ҳарбий идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, маҳаллий давлат



хокимияти органларига волонтерлик ёрдами кўрсатиш.

- – Волонтерлик фаолияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин[8:2].

Биз биламизки, волонтер – бу бошқалар тўғрисида ўйловчи, уларнинг бахт-саодати, манфаати учун фидокорона хизмат қилувчи, шу билан биргаликда ихтиёрий, беминнат, беғараз, ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, у Сиз каби фаол, қувноқ, оқ кўнгил, меҳрибон, эътиборли, мактаб ўқувчиси, талаба, ёки оддий ишчи бўлиши мумкин, яъни ундай инсон (волонтер)лар учун “ёрдам” сўзи нафақат бебаҳо, балки алоҳида маъно ҳамда аҳамиятга эгадир.

Волонтерлик фақатгина қоғозда мавжуд бўлган оддий лойиха эмас. Бу нафақат турли шаҳарлардан, балки турли мамлакатлардан ва бутун қитъалардан одамларни бирлаштирадиган, дунё миқёсидаги энг катта ижтимоий лойиҳалардандир. Халқаро форумлар, алмашув дастурлари, чемпионатлар, саммитлар, Олимпиадалар ва бошқа минглаб лойиҳалар дунё бўйлаб эзгулик йўлини танлаган инсонлар сонини кўпайтирмоқда.

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациянинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва хорижий мамлакатларда ўқиётган ҳамда меҳнат қилаётган ёшлар билан иш олиб бориш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ихтиёрий меҳнат

тамойиллари асосида уларнинг ўз ғоялари ва ташаббусларини амалга оширишдир. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда Ассоциация ўз координаторларга эга, улар ихтиёрий, беминнат, бепул ўз ватандошлари бахт-саодати, манфаати учун фидокорона хизмат қилишмоқда.

Волонтерлар ҳаракатини ташкил қилишдан асосий мақсад эса аҳолини, айниқса, ёшларни жамият ҳаётига яна ҳам жалб қилиш билан, бағрикенглик, ўзаро ёрдам, ҳурмат, сабр, ўзгалар муаммосига бефарқ бўлмаслик, дахлдорлик ҳисси ва бошқа фазилатларни ривожлантириш орқали, фуқаролик жамиятини барпо қилиш - бош вазифа қилиб белгиланган. Айнан шунинг учун бутун дунё беғараз волонтерликни тарғиб қилмоқда. Европа Ҳамжамяти бу йўлда илк қадамини 2001 йилни “Волонтерлик йили” деб эълон қилиш билан бошлади.

Агар волонтерлар сони 1987 йилда 80 миллион бўлса, 2009 йилга келиб эса, 130 миллионни ташкил этди. Айниқса бугунги COVID-19 пандемияси шароитида эса уларнинг сони 300 миллиондан ошиб кетган. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Волонтерликка кириш эса, истаган одамнинг ўз индивидуал ҳаракатидан бошланади: масалан, текинга, яхшилик учун қабрларни озода сақлаб, тозалаб юриш, меъморчилик обидаларини таъмирлаш, курувчиларга қарияларга ёки имконияти чекланганларга ёрдам беришга бошқ. Албатта, булар савоб иш учун қилинган ёрдам бўлиши мумкин, лекин волонтерлик шундай кичик ишлардан бошланади.